

\* **Ўзбекистон чемпиони бўлиш кимга насиб этади?**

\* **16 ёшли келин кундалигидаги дардлар**

\* **“Чимилдиқ” да: “Занжир” даги Баҳром муҳаббати**

\* **Велосипед-у телевизорхўр одамлар бор экан**



# Туркистон

Элим деб, юртим деб,  ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган **ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ** 2000 йил 23 февраль Чоршанба. № 16 (14298)

## Изланиш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик – давр талаби

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам КАРИМОВнинг халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, қадрли юртошлар!

Хурматли депутатлар! Энг аввало, сиз, Сирдарё вилоят депутатлари, фаоллари билан дийдор кўришиб турганимдан хурсанд бўлганимни, барчангизга - сиз орқали бутун Сирдарё аҳлига ўз хурматини изҳор этмоқчиман. Маълумки, яқинда мамлакатимиз Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди. Шу жумладан Сирдарёда ҳам халқ депутатлари вилоят кенгашининг янги таркиби шаклланди. Мен бу кенгашнинг янги таркиби билан танишар эканман, аввало, эътиборли бир жиҳат диққатини ўзига тортганини айтишим керак.

Яъни, Сирдарё аҳли, Сирдарё халқи ишонч билдириб сайлаган депутатлар орасида турли миллат вакиллари, ҳар хил касб эгалари бўлиб, уларнинг аксарияти кўпни кўрган, ҳаёт тажрибасига эга, билимли, энг муҳими, халқ ичидан чиққан инсонлар экани мени шахсан мамнун этади.

Булар орасида бевосита ишлаб чиқариш соҳасининг намояндалари, иқтисодчилар, муҳандислар, тадбиркорлар, маориф ва соғлиқни сақлаш ходимлари, фермерлар, қишлоқ оқсқоллари, бир сўз билан айтганда, ҳаётимизнинг барча тоифа ва қатламларининг вакиллари бор.

Бунинг ўзи вилоятнинг муаммо ва ташвишларини ечаётганда, энг аввало, шу воҳада яшаётганларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашда уларнинг орзу-умидларини амалга ошириш масалалари атрофида кўрилади ва албатта ҳал бўлади, деб ишонч билдиришга асос беради, деб ўйлайман.

Бобўт туманидаги Дўстлик қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Сайдулло Абдуқодиров, Гулистон шаҳар саломатлик маркази бош шифокори Плеканова Татьяна Львовна, Гулистон шаҳридаги академик лицей директори Саме Самадов, Меҳнатобод туманидаги “Азиз” фермер хўжалиги раҳбари Шаҳзода Деҳқоновна, Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон, вилоят электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Абдуманноп Қўчқоров, Мирзаобод туманидаги 21-ўрта мактаб директори Баҳодир Розиков, вилоят мусиқа театрининг артисти Шафоатхон Раҳматуллаева каби эл-юрт ўртасида обрў-эътибор топган кўпгина инсонларнинг депутатлар сафида борлиги вилоят кенгашининг самарали ишлашига ишонч туғдиради.

Менинг сиз азизларга қаратиб айтганим тилагим: барчангизнинг ишингиз ўнгидан келсин, куч-қувват, омад сизларга доим ёр бўлсин! Хурматли дўстлар! Сизлар билан ўтган йилнинг декабрь ойида мана шу залда бўлиб ўтган сайловолди учрашувида биз вилоятда қилинган ишларга ҳолисона, танқидий баҳо бериб, келгуси вазифаларимизни белгилаб олган эдик. Сирдарё воҳасини, унинг элини қўпдан буён қийнаб келаётган муам-

молар, ўзига хос қийинчиликлар, ишлаб чиқариш соҳаларида ечимини кутаётган, шу юртда яшаётган одамларнинг ҳаётини яхшилаш, фаровонлигини ошириш йўлида гов бўлиб турган масалалар ҳақида гаплашиб, келишиб олган эдик.

Булар қаторида аввало Сирдарё вилояти ривожига, тараққиётига жуда катта салбий таъсир етказиб қолган, барча камчиликларнинг негизиди, томирида ётган, йиллар давомида ўз ечимини топмаётган муаммолар қишлоқ хўжалиги соҳасидаги масалалар эканини ҳаммамиз тан олган эдик.

Улар нималардан иборат? Яна эслатиб ўтмоқчиман: - вилоятдаги ерларнинг ачинарли мелиоратив ҳолати; - вилоятда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таркибини ўзгартириш зарурлиги;

- қишлоқ хўжалигининг моддий-техника таъминотини тубдан ўзгартириш, янги замонавий технологияларни қўллаш;

- қишлоқ инфратузилмасини, яъни қишлоқда яшаётган аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматни кенг ривожлантириш.

Лекин, бу муаммоларни ечиш билан бирга, вилоятда авваломбор ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш масалалари кўйилди. Аввало, қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотлар олиб боришда ҳеч чидаб бўлмайдиган кўпгина ҳоллар:

- расмиятчилик, кўзбўямачилик, раҳбарларнинг маъсулиятсизлиги, лоқайдлиги, билими етишмаслиги ҳақида гап борган эди.

Қишлоқ хўжалик соҳасида мулк муносабатлари ўзгармаётгани, тармоқни бошқараётган кўпгина раҳбар ва мутахассисларнинг бу масалада чаласаводлиги, олиб борилаётган ислохотларнинг маъно-мазмунини, мақсадларини билмаслиги ишга катта тўсиқ бўлиб тургани ҳақида очик айтиб ўтилган эди.

Фермерлик ҳаракати, унинг кенг қўламада ривож топишига тўсиқчилик ҳақида, ширкатларни пайчилик асосида ташкил қилишда, ҳақиқий оила пудратини кенг жорий этишда, унинг самарасини оширишда, энг муҳими, деҳқонларда эгаллик ҳиссини тарбиялашда, ўз ишлаб чиқарган маҳсулотига ҳолисона ва адолатли ҳақ олишда йўл қўйлаётган қарама-қаршилик ва камчиликлар мавжуд экани эътироф этилган эди.

Хурматли депутатлар! Сизларга маълум бўлиши керакки, аввало, Сирдарё вилояти хўжалиги ривожига олдида тўсиқ бўлиб турган масалалар бўйича, уларнинг ечимини топиш, беш-ун йил давомида жорий этишга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш мақсадида, сайловолди учрашувида келишиб олганимиздек, махсус ҳукумат комиссияси тузилди. Бугунги кунда бу комиссия ўз ишини бошлади. Лекин бир нарсани барчамиз яхши англаб олишимиз даркор. Ҳар қандай дастурлар, жуда чуқур ўйланган, ҳар томонлама келишиб олинган, таъминланган дастурларни ишлаб чиқишимиз мумкин. Аммо, - буни яна ва такрор-такрор

айтишим керак, - қачонки, қишлоқ хўжалик соҳасида бозор иқтисодиёти, замон талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқариш муносабатларини жорий этмас эканмиз, мулкчилик масалаларини, ерга, мулкка, меҳнатга ўз муносабатимизни ўзгартирмас эканмиз, биз ҳеч нарсага эришолмаймиз.

Азиз дўстлар! Қани, келинлар, мана шу масала атрофида - вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожига миқсолида батафсил фикр алмашиб олайлик.

Буни ҳеч яширмасдан, сир қилмасдан айтишимиз мумкин, барчамиз тан олишимиз керак: Сирдарё воҳасида қишлоқ хўжалигининг умумий аҳволи кўп йиллар давомида ҳамон мураккаблигича қолмоқда.

Ўтган йили вилоят бўйича 141 минг 300 гектар майдонга пахта, 87 минг 300 гектар ерга галла экилган эди. **Пахта ҳосилдорлиги вилоят бўйича гектарига 18,8 центнерни, галла ҳосилдорлиги эса 21 центнерни ташкил этди.**

Кейинги йилларда галла етиштиришга эътибор кучайгани, дон экиш учун унумдор ерлар ажратилаётгани яхши, албатта. Лекин барчамиз бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз зарур: Ўзбекистон шароитида, Ўзбекистон климида аввало дунё бозорига доим харидор боп бўлган, биз учун асосий валюта тушуми манбаи бўлган, шу билан бирга, агар ишни тўғри ташкил қиладиган бўлсақ, деҳқонларимизнинг ҳам, халқимизнинг ҳам қосасини оқартирадиган пахтачилик соҳасини унутмаслигимиз керак.

Албатта, вилоятда шундай майдонлар ҳам борки, у ерда пахтадан кўтилган ҳосилни олиб бўлмайди. Шунини инобатга олиб, республика ҳукумати ўтган йил 26 октябрда қабул қилинган махсус қарорга биноан Сирдарё вилоятидаги Меҳнатобод ва Мирзаобод каби туманларда ана шундай ерлар ҳисобидан 5 минг гектар майдонга шולי экиш кўзда тутилган.

Шу ва бошқа тадбирлар ана шу ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда дон маҳсулотларини кўпайтириш имконини беради. Уйлайманки, юқорида зикр этилган ҳукумат комиссияси бу масала бўйича ҳам аниқ илмий асосланган қўшимча таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқари.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишларнинг аҳволига назар ташлайдиган бўлсак, вилоятда 3 та туман ва 45 та хўжалик пахта тайёрлаш режасини, 7 та туман ва 80 дан ортиқ хўжалик галла тайёрлаш давлат буортмасини бажаргани, Сайхунобод туманидаги “Бирлашган”, Қ.Султонов номли, Гулистон туманидаги “Уч қаҳрамон” ширкатлар уюшмасида ҳосилдорлик 35-40 центнерга етгани, бу хўжаликларда йил якуни бўйича ширкат аъзоларига 20 мингдан 65 минг сўмгача дивиденд туланганини ўзи ҳам бу тармоқни ривожлантириш учун вилоятда катта имкониятлар борлигини кўрсатиб турибди.

Лекин, бир неча йилдирки, вилоят сурункасида пахта тайёрлаш режаларини бажармай келяпти. Айниқса, Меҳнатобод, Ш.Рашидов номли, Мирзаобод, Сирдарё, Оқ олтин туманлари учун пахта тайёрлаш режасини бажармаслик одат тусига кириб қолганини қандай баҳолаш мумкин?

Пахта етиштирадиган 102 та хўжаликнинг аксарияти сўнгги тўрт-беш йилда 60-70 фоизлик маррадан нарига ўта олмаётир. Ҳосилдорлик йил сайин пасайиб бормоқда.

1999 йилда 26 та хўжаликда 10 центнергача, 14 та хўжаликда эса ўртача 10-15 центнердан пахта ҳосили олинганига нима деса бўлади?

Мисол учун Мирзаобод туманининг “Мустақиллик”, “Тошкент”, Беруний номли, Улугбек номли, Меҳнатобод туманининг “Ровот”, “Бўстон”, “Галаба”, Оқ олтин туманининг Тоиров номли, “Чинобод”, “Барлос”, Сирдарё туманининг “Пахтазор”, “Истиклол”, “Ҳақиқат”, Ховос туманининг “Навбахор” хўжаликлариди пахтадан бор-йўғи 5-7 центнердан ҳосил олинмоқда.

**Вилоят бўйича ўтган йили пахтачиликдан 1 миллиард 900 миллион сўм, галлачиликдан эса 200 миллион сўмдан зиёд зарар қўрилгани, 73 та хўжалик йилни зарар билан яқунлагани тўғри қилиб бўлмас ҳолдир.**

Бундай ҳолатларни яширмасдан, уларнинг сабаби ҳақида очикчасига гаплашиб олишимиз керак. Энг муҳими, бу ҳолатларга қарши чора кўришимиз лозим.

Сизларга яхши маълум, ўзини ўнглаб олмаган, иқтисодий жиҳатдан ночор хўжаликларни ҳукумат йўли билан қўллаб-қувватлаш, оёққа турғизиш мақсадида санация тўғрисида қонун қабул қилинди. Сирдарё вилоятида ҳам 1998-99 йилларда 31 та хўжалик санацияга тортилган эди.

Ҳар томонлама моддий ва амалий ёрдам берилётганига қарамадан, бу хўжаликларнинг кўпчилигида ўзгариш сезилмаяпти. Мисол учун 15 та хўжаликда на ҳосилдорлигининг ўсиши бор, на қилинган харажатлар эвазига олинмаётган даромад бор.

Бу янги усулнинг самара бермаётгани битта нарсани - яъни, айрим мутасадди раҳбарлар санациянинг мазмун-моҳиятини тўғри тушунмасдан, ҳамон боқимандалик кайфиятида иш юритаётганини кўрсатади.

Ҳозир қишлоқ хўжалигига мутасадди бўлган вилоят раҳбарлари, қоқоқ туманларнинг ҳокимларидан бу аҳволнинг сабабини сўрасангиз, албатта, сўнгги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашганини, шўрланиш кучайганлигини, яна ўнлаб баҳоналарни рўқач қилади.

Яна бир бор айтаман: албатта, бу ҳолатларни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин масаланинг бошқа жиҳати ҳам борлигини унутмаслигимиз керак.

Яъни, асосий гап, балки ҳал қилувчи жумбоқ - ўзимизнинг ишни ташкил қилишимизда, ерда ишлаётган деҳқонга, барча хўжаликларга - у ширкат бўладими, фермер бўладими, деҳқон хўжалиги бўладими, эркинлик беришда, деб кўришимиз даркор. Ер ҳамон ўзининг ҳақиқий эгасини топмаётганида. Бу борада биз барча йўл қўйилган оқсқоқликнинг сабабини кидиришимиз керак. Таассуфки, қишлоқ хўжалигида янглик киритиш, иқтисодий ислохотлар-

ни амалга ошириш билан кўпчилик раҳбарлар юзаки, хўжақўрсинга шуғулланмоқда. Сўнгги йилларда бу соҳани ривожлантириш мақсадида қабул қилинган бир қатор қонунлар ҳаётга таъбиқ этилмапти.

Шунинг ҳам очик тан олишимиз керак: вилоят қишлоқ хўжалигида ислохотлар ўтказишда аввало маъмурий-буйруқбозлик, кўп жойларда тепадан туриб кўрқитиш ҳисобидан ва хўжақўрсинлик мақсадида олиб борилмоқда. Ҳолбуки, барча иқтисодий ислохотларнинг негизиди аввало одамларни, деҳқонларни рағбатлантириш, моддий қизиқтириш, ишга муносабатини ўзгартириш ҳисобидан пировард кўзланган натижаларга эришиш мумкин. Такрор айтишга тўғри келади - бунга аввало, ерда эгаллик ҳиссиётини тарбиялаш билангина эришиш мумкин. Ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари учун кенг йўл очиб берилган тақдирдагина равнақ топиш мумкин.

Бу фикр-хулосаларни исбот қилиш учун Сирдарё вилоятининг ўзидан барча мисолларни олиб келиш ўринли, деб биламан.

Боёвўт, Гулистон, Сайхунобод туманларидаги ҳар гектар майдондан 35-40 центнердан пахта ҳосили олган фермер хўжаликларининг эришган натижалари, олган даромадлари, иш суръатлари барқарор ўсиб бораётгани ҳақида бу ерда ўтирган кўпчилик депутатлар яхши хабардор, деб ўйлайман.

Мана, битта мисол: Гулистон туманидаги Абдулазиз Ҳайдаров бошчилик қилаётган “Барлос” фермер хўжалиги ҳар гектар майдондан 37 центнердан пахта, 39 центнердан галла ҳосили олиб, йилни 3 миллион 200 минг сўм фойда билан яқунлади.

Сирдарё туманидаги “Тинибек бобо” фермер хўжалиги бошлиғи М.Тинибеков 10 гектар майдонга пахта экиб, 45 центнердан, 8 гектар галла майдонидан эса 42,5 центнердан ҳосил олган.

Бу мисоллар ишининг кўзини билиб меҳнат қилган одам оғир тупроқ шароитида ҳам мўл ҳосил ундириб, ўзига ҳам, элу юртга ҳам наф келтиришининг тасдиғи эмасми?

Бу муҳим масаланинг яна бир томони борки, у ҳақида ҳам очик гаплашиб олмасак бўлмайди.

Бугун ҳисобот бўйича Сирдарё вилоятида 1 минг 541 та фермер хўжалиги ташкил қилинган ва фаолият кўрсатмоқда. Пахтачилик соҳасида фермерларга ажратилган майдон 39 минг гектарни, галлачиликда эса - 18 минг гектарни ташкил қилади.

Шу муносабат билан биринчи пайдо бўладиган савол табиий. **Мана шу ўзини фермер деб эълон қилган хўжаликлар ҳақиқатан ҳам амалдаги фермерлик ҳаракатида доим қонун ва нормаларга жавоб берадими? Салда қилиб айтганда, қанчаси ҳақиқатан ҳам фермер, қанчаси эса ҳақиқатан кўп жиҳатдан фермерлик низоми ва мақомига жавоб бермайди?**

(Давоми 2-бетда)





**“Яқинда шифокорлар хотинимда буқоқ касали борлигини аниқлади. Бу хасталик жуфтимга, бўлажак фарзандим саломатлигига таъсири бор, дейишмоқда. Шу тўғрими?”**

**Х. ЖАЛОЛОВ, Тошкент вилояти, Қибрай тумани”**

қобилятини ошириш, модда алмашинувини назорат қилиш каби вазифаларни бажаради. Жисмоний ва руҳий ривожланишдан орқада қолиш, шунингдек, қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши билан ифодаланган касаллик — кретинизм хасталиги юзага келади. Қалқонсимон без катталашиб бўйин нервлари, томирлар ва кекирдакни сиқиб қўяди.

— **Баъзилар беморга йод моддасига бўлган эҳтиёжини қондириш учун бир пиёла сувга бир неча томчи йод томизиб ичишни “тавсия” этишади.**

флом деб топса, 3-6 ойдан сўнг ҳомиладор бўлиш мумкин. Аммо бемор бу даврда мутахассис маслаҳатиغا риоя қилиб бориши лозим.

— **Хасталикка қарши қандай курашиш керак?**

— Бунинг учун йод қўшилган ош тузи истеъмол қилиш керак. Соғлом организмнинг йодга бўлган кунлик эҳтиёжи 100 мк.гр.ни, ҳомиладорликда эса 150 мк.гр.ни, эмицикли аёлларда эса 200 мк.гр.ни ташкил этади. Болалар ва ўсмирлар учун ҳар бири киши таркибида йод бўлган “Юникап” поливитаминови тавсия этилади.

— **Йод танқислигини қайси озиқ-овқат маҳсулотлари қондиради?**

— Денгиз карами билан балиқ, Ундан ташқари хурмо, олхўри, сабзи, карам, бодринг, помидор, лавлаги, саримсоқлиёз.

— **Баъзи беморлар гормонал дорилар ичишдан чўчишади.**

— Бунинг қўрқинчли жойи йўқ. Хасталикни даволашда турли гормонал дорилардан фойдаланилади. Бу хавфли эмас. Ўз вақтида даволанмаслик оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

**Лола СОАТОВА, “Туркистон” мухбири**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси эндокринология институти тажрибавий ва клиник тиреоидология бўлими мудири, тиббиёт фанлари доктори **Л.Б.НУГМАНОВА** билан газетхонни қизиқтирган мавзу юзасидан суҳбатлашдик.

— **Буқоқ хасталиги нима? Бугун ёшларнинг ҳам бу касалликка чалинишининг сабаблари...**

— Буқоқ — қалқонсимон безнинг ўсма шаклида катталашуви. Касаллик кўпинча шу без вазифаси ва организмий ҳолатининг бузилиши билан кечади. Асосан сув, тупроқ, ҳавода, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларида йод етишмаслиги касалликка сабаб бўлади. Буқоқ касаллиги ёшларда нисбатан кўпроқ учраётгани шифокорларни ташвишлантирмоқда. Соғлом одамга бир кеча кундузда

граммнинг миллиондан 100-200 қисмича йод моддаси керак. Шундан кам истеъмол қилинса, қалқонсимон без йодли гармон — тироксинни кам чиқаради.

— **Йод танқислиги инсон ҳаёти учун хавфлими?**

— Маълумки, қалқонси-

мон без гормони болаларда бош мия фаолиятининг нормал ривожланиш асосидир. Катталар учун эса бу гормон ақли расо бўлиш, иш



# ЙОД ТАЊҚИСЛИГИ ХАВФЛИМИ?

— **Ҳомиладорлик-**

ка таъсири қандай?


— Йод танқислиги туфайли чақалоқлар кўпинча тошига етмай чала туғилиши ёки ҳомиладорлик бола туғиш билан яқунланиши мумкин.

— **Буқоқ олиб ташлангач, қанча муддатдан сўнг аёл киши ҳомиладор бўлиши мумкин?**

— Жарроҳлик ҳеч қандай асоратсиз ўтган бўлса, шифокор аёлни ҳар томонлама со-

## НЕГА ТЕМИР ҒАЖИЙСИЗ?

Японлар ва жанубий-шарқий Осиёдаги айрим халқлар нега кичкина бўлса-да, серҳаркат, ақллигина. Олимлар фикрича, бу уларнинг кўп асрлардан буён фосфорга бой балиқ маҳсулотлари истеъмол қилишида экан. Фосфор мия фаолиятини яхшилайти. Инсоннинг тўқималари, суяги ва қонида ярим қиллограммга яқин шундай модда мавжуд. Бироқ у меъеридан кўп бўлса, одамзод гавдаси “майда”лашиб кетаркан.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, дунёдаги аёлларнинг ҳар учдан бири, эркекларнинг эса олтидан бири темир моддаси етишмаслигидан азият чекар экан. Оқибатда уларда гемоглобин алмашинуви бузилади, соч тўкилади, тирноқлари мўрт бўлиб, сина бошлайти. Одам ўзида бундай моддаларни кўпайтириш учун велосипед ғажийи шарт эмас, балки шифокор билан маслаҳатлашиб, дори-дармонлар ёки шундай моддага бой мева ва сабзавот истеъмол қилишлари лозим. Масалан, организмда темир моддаси етишмайдиган беморлар темир коса, қошиқ ва санчқидан фойдаланганлари маъқул.

Барча кўп қаватли уйларни эгаллаб олган сувараклардан бардошли ва айни пайтда “тадбиркор” мавжудот кам бўлса керак. Улар на ёнғиндан, на ядро портлашларидан, ҳатто радиациядан ҳам қўрқинмайди. Аммо уларнинг уяси ёнига озгина бор кислота сепиб қўйсангиз бўлгани, уларни чироқ ёкиб ҳам тополмайсиз. Одамлар эса кўзи ва томоғи оғриб қолса бор кислота билан чайишади. У билан далалар, полизларга ишлов беришади.

Яқинда олимлар аниқлашди: биз фойдали деб юрган бор одамлардаги углеводлар алмашинувини бузиб, ферментлар ишлаб чиқарилишига салбий таъсир кўрсатади. Энг ёмони у эркак ва аёлларни бепушт қилар экан.

Хитойда бир пайтлар бор кислотанинг ана шундай “хусусият”ларидан фойдаланиб далалар ва боғ-роғларга шу модда билан ишлов бериб, қишлоқ хўжалиги зараркунандалари билан бирга одамларнинг серфарзандлигига қарши кураш боргани ҳам кўпчиликнинг ёдидан чиққани йўқ.



Темирлатки саъфадан узоқ эмас, фақатгина яширин бир нарса орқали саъфадан, айниқса, қуруқ саъфадан фарқ қилади. Қуруқ саъфа энг ифлос, энг ёмон, энг еювчан ва энг чуқур жойлашадиган темирлатки бўлиши мумкин. Темирлаткининг сабаби саъфа сабабига яқин, бу ҳам ўткир, тез ва сувсимон модда бўлиб, қўтир моддасидан кўра қуюқроқ савдо моддасига аралашади. Суюқ моддаси голиб бўлган темирлатки энг тез тузалади.

Хўл темирлаткининг баъзиси қондан пайдо бўлиб, қашланган пайтда намлик кўринади. Бу хил темирлатки беҳавотирдир. Баъзиси қуруқ бўлиб, у аксар куйиб савдога айланган шўр балғамдан вужудга келади. Темирлаткининг баъзиси жуда қуруқлиги ва кўп чу-

## ТЕМИРАТКИ

қуруқ жойлашиши сабабли пўч ташлаб туради. Бу қора песлик ва қовжираган ярага ўхшайди. Унинг баъзиси пўст ташламайди. Темирлаткининг айрим хиллари ёмон бўлиб, кўчиб юради; баъзиси эса бир жойда тўхтаб туради. Баъзиси янги ва баъзиси узоққа чўзилган ёмон бўлади. Бундай (темирлатки) кузда пайдо бўлади.

Темирлаткини даволашда асосан тарқатиш, парчалаш, эритиш ва суюлтириш хусусиятларини ҳамда тўхтатиш ва рутубатлантириш каби хусусиятларни ўзига йиғадиган дориларга эҳтиёж тушади. Уларнинг олдинги (хусусиятларга эга бўлганлари) қуюқ моддаларга нисбатан қўлланилади. Иккинчисилари эса ўткир ва суюқ модда учун қўлланилади. Шу икки ҳолатдан бирининг устун чиқишига қараб темирлаткига юқоридаги икки тадбирдан бири кўпроқ қўлланилади. Зулук солиш темирлаткининг энг яхши даволаридандир. (Темирлатки моддасини) тозалашда, унинг ортидан кўринаётган ҳолатга мослаб оғиз суви ичириш, овқатлантириш, рутубатлантириш ва рутубатлантирувчи тадбир қўллашда саъфани даволашда зарур бўладиган нарсалар керак бўлади. Ҳаммом ҳам унинг зўр даволаридандир. Баъзан қуруқ ҳаводан ажралиб туришга ҳам эҳтиёж тушади. Айрим кишиларнинг айтишича, темирлатки пайдо бўлишига қарши фойда қиладиган ва пайдо бўлганини тузатадиган дорилардан бири шуки, лакқдан бир дирҳамини сабрни ювгандек ювиб хушбўй матбухнинг уч ўқияси билан қўшиб ичирилади. Темирлатки ёйилиб, кўпайиб кетса, мохов касаллигининг давоси билан даволанади.

“ЗИЙНАТ”дан



ман, бировнинг хотиниман. Жуда кўпол эшитилади-а, галатими-ей. Кеча Сайёра билан учрашганимда жуда эрта турмушга чиқдинг, бундай ўйнаб-кулмадинг ҳам, деб қолди. Ростдан ҳам уларга ўхшаб

дейди қайнонам. Қайниэгачим эри билан уришиб қолиб, бир этак бола билан уйимизга келиб ўтирибди. Унинг олдида уят бўлармиш.

пиш ўрнига туз.сепибман. Иккови бир хил идишда бўлса айб мендами?

Тунов куни меҳмонлар келди. Хўжайиним 19 га тўлдилар. Ҳаммаси яхши-ю, сомсанинг тагини куйдириб юборибман. Яна гапга қолдим. Қайнонам "ношуд" деди. Бу нима дегани экан? Луғат-

кизи эдим-а, нима зарил эди эрта оила қуриб, тагин... кўнглим ҳам айний бошлади. Балки...

Анчадан бери дафтарим, сени қўлимга олмаган эдим. Нималар бўлиб кетганини айтсам, саҳифаларинг йиғлармиди-а!

Йўқ-йўқ, бари-барини айтиб беролмайман. Менинг турмушим барбод бўлди. Бари гап шу.

Дадам мени қайнона ва эр зулмидан қутқарди. "Қизим сенларга чўри эмас", деди. Онам ҳам азобланиб кетганимни кўриб, уйга олиб кетди. Фақат бувим қаршилик қиляпти. Мен оғир-вазмин бўлишим керак экан. Ҳа, ҳозир замон бошқача. Нега чидашим керак? Болам туғилса, ўзим боқаман. Нима қипти? Ана атрофда қанча ёлғиз оналар бор. Фақат бир нарсани тушунмайман. Нима учун бахтли бўлолмадим...

Мана, азиз муштарий, номаълум синглимизнинг ўй-хаёлларидан воқиф бўлдингиз. Ҳозир на унга ва на сўлга юролмайдигандек. Такдир чигалликларини ёчишга қодир эмасдек. Балки бу келинчакнинг ўз ҳаётига, оиласига енгил қараётгани сизни ташвишга солар. Балки умуман муштдеккина — 16 ёшли қиз бошига катта турмуш оғирликларини юклаган ота-онадан ўпкаланарсиз? Балки... балки... номаълум синглимиз саволларига сиз жавоб қайтара оларсиз?

ЯШНАР

# 16 Ёшли келин кундалиги



29 сентябрь.

Янгам тўйдан олдин айтган эди-а, ҳамма ишга уришиб, ўзингни кўрсатишга ҳаракат қилма, ўрганиб қолишади, деб. Рост экан. Ўчоққа олов ёқиб, қиғир-қийшиқ қилиб нон ҳам ёпанман, умримда қилмаган ишим — торт пишираман. Кунига тўрт мартадан ховли супураман. Фақат — ховли этагидан супуришни бошлаб, унинг олдида ахлат йиғиштириб, қайнонамдан балога қолдим.

Тавба, гап этак — бошда эмас, саришталикда-ку!

12 октябрь.

Кундаликка ҳар кунги сирларимни ёзмоқчи эдим, улгурмайман. Очиғи уйдаги к мушлар жуда эзиб ташлади. На бир кинога бора оласан, на дўгонаннинг турилган кунига. Кеча торт пишириб, устига қанд упаси се-

оромгоҳларга ҳам бора олмаяпман. Ҳали Вали акам ишдан келсалар, айланиб келармиз.

28 сентябрь.

Тушимни сувга айтибман.

— Қанақа истироҳат боғи? —

Тахририятимизга хушрўйгина қиз ийманиб кириб келди.

— "Чимилдик" чиқадиган ер шуми? Сизларга бир нарса олиб келган эдим. Фақат олдимда ўқиманглар, уяламан. Гапингиз чиқиб қолса, газета орқали айтарсизлар...

Қандай кириб келган бўлса, шундай майинлик билан чиқиб кетди. Фақат хонамизда гоҳи келинчаклардан, гоҳи болакайлардан келадиган ширингина ифор қолди.

Ҳа, яна қўлимизда "озгингина" дафтарча қолди. Уни варақлаб кундалик эканини ва сизнинг ҳукмингизга ҳавола этилиши лозимлигини сездик:

1999 йил 25 сентябрь.

Бу кундан эътиборан дўганам Сайёра сингари кундалик дафтар тутишни ниёт қилдим. Унга ҳаётимнинг энг ёрқин дақиқаларини ёзаман деган умидаман.

Тўйим бўлиб, эрга текканимга ҳам 40 кун бўлди. Чиллам чиқди. Тавба, мен — аёл-

Арзимаган нарсадан ҳам асабингиз қақшаб, жанжал чиқаришга ошиқасизми? Ёки бошга тушганини кўз кўришига ишонасизми? Бунинг учун куйидаги тест саволларига жавоб бер.

1. Томоша хонада ёнингизда ўтирган одам гапдан тўхтамай асабингизга тегадими?

- А) Йўқ (1);
- Б) Албатта, жуда ҳам (5);
- В) Баъзан (3).

Б) Насихати гашимга тегса-да, аммо ўзимни босаман (3);

- В) Ўзимни босиқ тутаман (1).

4. Бировдан ўқиш учун олган газетангиз саҳифалари эзилган бўлса гашингиз келадими?

- А) Баъзан (1);
- Б) Ҳа (5);
- В) Йўқ (3).

8. Сиз кўрмоқчи бўлган кинонинг мазмунини кимдир сўзлаб берса, гашингиз келадими?

- А) Қайфиятимга боғлиқ (3);
- Б) Йўқ (1);
- В) Албатта (5).

9. Транспортда сиз билан ёнма-ён кетаётган ҳамроҳингиз пинжингизга тикилгудек бўлса, кўнглингизга тегадими?

- А) Йўқ (1);
- Б) Бўлмаса-чи? (5);
- В) Ҳамроҳим кимлигига боғлиқ (3).

10. Бирор киши сиз томонга қараб оғзини тўсмай, йўталса сизга ёкадими?

- А) Эътибор бермайман (3);
- Б) Баъзан ёқмайди (1);
- В) Албатта ёқмайди (5).

5. Севган кишингиз учрашуга кечикиб келса, сизнинг муносабатингиз?

- А) Қанча вақтга кеч қолганига қарайман (3);
- Б) Индамайман (1);
- В) Унга кеч қолишни ўргатиб қўяман (5).

6. Хушбўй, ўткир хидлар гашингизга тегадими?

- А) Йўқ (1);
- Б) Баъзан (3);
- В) Ҳа (5).

7. Сухбатдошингиз кўлидаги қаламни гажиб ўтирса, қандай қарайсиз?

- А) Жаҳлим чиқади (5);
- Б) Кўп аҳамият бермайман (3);
- В) Буни мен сезмайман (1).

С И З



2. Жамоат жойида каттик овозда гапиришса жаҳлингиз чиқадими?


- А) Баъзан (3);
- Б) Эътибор бермайман (1);
- В) Албатта (5).

3. Агар сизни ёш бола фаҳмлаб, насихат бераверишса, қандай муносабатда бўласиз?

- А) Уни ўз ўрнига қўйиб қўяман (5);

КАНДАЙ

ОДАМСИЗ?



## Натижалар

10-16 балл жамғардингиз. Сиз жуда оғир-босиқ одамсиз. Жаҳлингизни чиқариш осон эмас. Асабингиз мустаҳкамлигига ҳавас қилса арзийди.

17-39 балл. Баъзан кўнглисиз воқеалар содир бўлса, жаҳлингиз чиқади. Аммо ҳаётдаги майда иқир-чиқирларга кўпам аҳамият беравермайсиз. Асабингизни асраганингиз маъқул.

40-50 балл. Жаҳлингиз бурнингизнинг учида. Салгина дилхиралик бўлса ҳам асабингиз қақшайди. Бундан сиз ҳам, атрофингиздаги одамлар ҳам азият чекишини унутманг. Сизга сабр-тоқат тилаймиз.

Оиламиз кўрки, **ЖАҲҲИ КАМОПА!** Сени таваллуқ айётинг билан қўтлаймиз, бахти-мизга соғ-омон бўлиб юр-гин.

Сенга бахт тилаб ада-жонинг, ойижонинг ва аканг Баҳодир.

Жондан азиз қиятингиз **ГУЗАЛХОН!** Сени 23 февралда нишонлайдиган, мурал ёшинг билан гин дилдан қўтлай-миз. Остонинг доим беғубор, тилакларинг рўёб бўлсин.

Аммаларинг **ЛОЛА** ва **ОМИЛА**

Ишқингиз иловасизга арзон нарҳда таърих ва ёшловлар қабул қилинган

"ЧИМИЛДИК" "ТУРКИСТОН" ГАЗЕТАСИНING ИЛОВАСИ

ИЛОВА ИЖОДКОРЛАРИ: **ДАЙЛО, ЯШНАР, ЗИЁДА, ШАХНОЗА**

САҲИФАЛОВЧИ: **БАХТИЁР**

19-20 февраль кунлари пойтахтимиздаги "Юнусобод" спорт мажмуида "Мустақиллик кубоги" Олимпиадага саралаш учинчи босқич баҳслари бўлиб ўтди. Унда 42 мамлакатнинг икки юзга яқин сара паҳлавонлари ўз рейтингларини мустаҳкамлаш учун гиламга чиқишди.

Энг оғир вазндаги беллашувлар голиби туркиялик курашчи Бакир Фатич (130 кг) "Туркистон-пресс" мухбирига қуйидагича қувончини изҳор этди: "Бу галабага эришимда қардош ўзбек мухлисларининг олқишлари катта ёрдам берди. Қолаверса, ташкилотчилар томонидан полвонларга етарли шароитлар муҳайё этилганлиги ҳаммамизни қувонтирди".

Мамлакатимизда ўтказил-

кониатни бой бериб, иккинчи ўрин билан кифояланишди. А. Чеглаковга учинчи ўрин насиб этди. Спортчиларимиз АКШ ва Мисрда ўтадиган кейинги босқич саралаш баҳсларида қўлга киритган ушбу ютуқларини совринли ўринлар билан мустаҳкамлаб олиши лозим.

Икки кун давом этган "Мустақиллик кубоги" учун Олимпиада саралаш баҳсларида саккиз вазнда голиблар аниқланди. Булар: Ванг Ху Ай (Хитой), Карен Мнасаканян (Арманистон), Аслан Давгоучев (Озарбайжон), Николай Монов (Россия), Ким Жим Су

# БАҲСЛАР ҚИЗГИНА КЕЧДИ

ган 1997 йил Осиё чемпионатида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни банд этган вакилларимизга бу галги халқаро мусобақа осон кечмади. Италия ҳамда Франциядаги саралаш баҳсларда дуруст натижаларни қўлга киритган Ю.Витт, А.Бектеков ва Ш.Кўзиёвларнинг ушбу беллашувларда ҳам қўли баланд келиши кутилаётганди. Афсуски, улар биринчи кунги учрашувлардаёқ муваффақиятсиз қатнашиб, финалга чиқиш имкониятини бой беришди. Баҳсларнинг ҳар бир полвон учун нихоятда қийин кечганини Олимпиада, ҳатто жаҳон ҳамда қитъа чемпионларининг кураги ерга тегиб, совринли ўринларни ололмаганидан ҳам билса бўлади.

Олти нафар спортчимиздан финал босқичига Ш.Худойбердиев (54 кг), Е.Ярафайлов (76 кг), А.Чеглаков (97 кг) йўл олди. Финалда Ш.Худойбердиев хитойлик рақиби Ванг Ху Айга, Е.Ярафайлов эса корейлик Ким Жим Суга им-

(Жанубий Корея), Анес Фритз (Норвегия), Давид Солдадзе (Украина) ва Бакир Фатич (Туркия). Тошкент халқаро турнири Сидней Олимпиадасига учинчи босқич саралаш баҳслари саналиб, ушбу мусобақа голиблари кейинги босқич беллашувларида ҳам муваффақиятли иштирок этишлари тақозо этилади.

Сиднейда ўтказилажак Жаҳон Олимпиадаси баҳсларида юнон-рум кураши бўйича 8 вазнда 160 нафар иштирокчи қатнашади. Улардан 64 нафари ўтган йили Грецияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида аниқланганди. Қолган йўлланмалар эгалари беш босқич халқаро саралаш турнирларида ҳамда қитъа чемпионатларида маълум бўлади.

"Туркистон-пресс"

# ИХТИЁР КАРАТЭЧИ

Чинакам истеъдод юракда пайдо бўлса, у меҳнат ила рўёбга чиқади. Ихтиёр Ҳакимов ўзи болалигида орзу қилганидек машҳур каратэчи бўлиб етишди. Халқаро тоифадаги спорт устаси, Осиё чемпиони Ихтиёржон эндигина йигирма икки ёшга тўлди.

Ихтиёрга омад эрта кулиб боқди. У каратэ билан мунтазам шуғулланиб, ўн уч ёшдаёқ Самарқанд чемпиони бўлди. Беш йил мобайнида вилоятда унга тенг келадигани топилмади. Спорт билан янада жиддийроқ шуғуллана бошлаганда, устози Исрофил Жалолов унга каратэнинг нозик сирларини ўргатди, машғулотларда тоблади. Самарқанд терма жамоасига қўшилган эса унга тажрибали спортчилар Гарик Араkelов билан Бахтиёр Розиковлар устозлик қила бошлашди.

1995 йили республика мусобақаларида голиб чиққан Ихтиёр Ўзбекистон чемпиони бўлди. Ўн етти ёшли йигитнинг юртимизда эндигина оммалашаётган спортнинг бу тури билан ном қозониши, мусобақаларда чинакам каратэ санъатини намойиш эта олиши кўпчиликни ҳайратга солди.

Ихтиёрга омад эрта кулиб боқди, дедик. У қаторасига 1995-98 йиллар республика чемпиони

бўлди. 1997 йили эса Чехиянинг Прага шаҳрида Бегамия кубоги мусобақаларида иштирок этиб, учинчи ўринни эгаллади. 1998-99 йиллари Қирғизистон ва Қозоғистон республикаларида бўлиб ўтган Осиё биринчилиги мусобақаларида Ихтиёр Ҳакимов голибликка эришиб, Осиё чемпиони бўлди.

— Қирғизистонда бўлиб ўтган Осиё биринчилиги мусобақаларида менинг жамоам аъзолари 5-7 ёшли шогирдларим ҳам қатнашиб, совринли ўринларни олишди, дейди Ихтиёр фахр билан. — Улар йигирма нафар, энг кичиги беш ёшда, жамоанинг ярмини ўн-ўн икки ёшли ўсмирлар ташкил қилади. Орзу-умидларим уларнинг юрагига ҳам кўчган.

Самарқанднинг Фарход шаҳарчасидаги 57-ўрта мактаб спорт саройида Ўзбекистон ва Осиё чемпиони Ихтиёр Ҳакимов мураббийлик қилаётган каратэ тўғрисида йигирма нафар болакай шуғулланмоқда. Чемпионга ҳавас қилиб чемпионликка даъвогар яна 20 та паҳлавон.

Убай ҚОДИР,  
Самарқанд вилояти

# ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ

## Олий лига биринчи давра

- I тур. 18 март (шанба)**
1. "Металлург" — "Орол"
  2. "Трактор" — "Хоразм"
  3. "Сўғдиёна" — "Сурхон"
  4. "Гулистон" — "Насаф"
  5. "Пахтакор" — "Андижон"
  6. "Семурғ" — "Нефтчи"
  7. "Дўстлик" — "Қизилқум"
  8. "Кимёгар" — "Бухоро"
  9. "Навбахор" — "Зарафшон"
  10. "Темирйўлчи" — "Самарқанд"

## II тур. 21 март (сешанба)

11. "Металлург" — "Хоразм"
12. "Трактор" — "Орол"
13. "Сўғдиёна" — "Насаф"
14. "Гулистон" — "Сурхон"
15. "Пахтакор" — "Нефтчи"
16. "Семурғ" — "Андижон"
17. "Дўстлик" — "Бухоро"
18. "Кимёгар" — "Қизилқум"
19. "Навбахор" — "Самарқанд"
20. "Темирйўлчи" — "Зарафшон"

## 25 март (шанба) резерв кун

### III тур. 29 март (чоршанба)

21. "Хоразм" — "Зарафшон"
22. "Орол" — "Самарқанд"
23. "Бухоро" — "Темирйўлчи"
24. "Қизилқум" — "Навбахор"
25. "Нефтчи" — "Кимёгар"
26. "Андижон" — "Дўстлик"
27. "Насаф" — "Семурғ"
28. "Сурхон" — "Пахтакор"
29. "Металлург" — "Гулистон"
30. "Трактор" — "Сўғдиёна"

### IV тур. 1 апрель (шанба)

31. "Хоразм" — "Самарқанд"
32. "Орол" — "Зарафшон"
33. "Бухоро" — "Навбахор"
34. "Қизилқум" — "Темирйўлчи"
35. "Нефтчи" — "Дўстлик"
36. "Андижон" — "Кимёгар"
37. "Насаф" — "Пахтакор"
38. "Сурхон" — "Семурғ"
39. "Металлург" — "Сўғдиёна"
40. "Трактор" — "Гулистон"

### V тур. 8 апрель (шанба)

41. "Сўғдиёна" — "Орол"
42. "Гулистон" — "Хоразм"
43. "Пахтакор" — "Трактор"
44. "Семурғ" — "Металлург"
45. "Дўстлик" — "Сурхон"
46. "Кимёгар" — "Насаф"
47. "Навбахор" — "Андижон"
48. "Темирйўлчи" — "Нефтчи"
49. "Самарқанд" — "Қизилқум"
50. "Зарафшон" — "Бухоро"

### VI тур. 11 апрель (сешанба)

51. "Сўғдиёна" — "Хоразм"
52. "Гулистон" — "Орол"

53. "Пахтакор" — "Металлург"
54. "Семурғ" — "Трактор"
55. "Дўстлик" — "Насаф"
56. "Кимёгар" — "Сурхон"
57. "Навбахор" — "Нефтчи"
58. "Темирйўлчи" — "Андижон"
59. "Самарқанд" — "Бухоро"
60. "Зарафшон" — "Қизилқум"

## 15 апрель (шанба) резерв кун

### VII тур. 19 апрель (чоршанба)

61. "Хоразм" — "Қизилқум"
62. "Орол" — "Бухоро"
63. "Нефтчи" — "Зарафшон"
64. "Андижон" — "Самарқанд"
65. "Насаф" — "Темирйўлчи"
66. "Сурхон" — "Навбахор"
67. "Металлург" — "Кимёгар"
68. "Трактор" — "Дўстлик"
69. "Сўғдиёна" — "Семурғ"
70. "Гулистон" — "Пахтакор"

### VIII тур. 22 апрель (шанба)

71. "Хоразм" — "Бухоро"
72. "Орол" — "Қизилқум"
73. "Нефтчи" — "Самарқанд"
74. "Андижон" — "Зарафшон"
75. "Насаф" — "Навбахор"
76. "Сурхон" — "Темирйўлчи"
77. "Металлург" — "Дўстлик"
78. "Трактор" — "Кимёгар"
79. "Сўғдиёна" — "Пахтакор"
80. "Гулистон" — "Семурғ"

### IX тур. 29 апрель (шанба)

81. "Пахтакор" — "Орол"
82. "Семурғ" — "Хоразм"
83. "Дўстлик" — "Гулистон"
84. "Кимёгар" — "Сўғдиёна"
85. "Навбахор" — "Трактор"
86. "Темирйўлчи" — "Металлург"
87. "Самарқанд" — "Сурхон"
88. "Зарафшон" — "Насаф"
89. "Бухоро" — "Андижон"
90. "Қизилқум" — "Нефтчи"

### X тур. 2 май (сешанба)

91. "Пахтакор" — "Хоразм"
92. "Семурғ" — "Орол"
93. "Дўстлик" — "Сўғдиёна"
94. "Кимёгар" — "Гулистон"
95. "Навбахор" — "Металлург"
96. "Темирйўлчи" — "Трактор"
97. "Самарқанд" — "Насаф"
98. "Зарафшон" — "Сурхон"
99. "Бухоро" — "Нефтчи"
100. "Қизилқум" — "Андижон"

## 6 май (шанба). Ўзбекистон

### Кубок 1/2 финал

### XI тур. 10 май (чоршанба)

101. "Хоразм" — "Андижон"
102. "Орол" — "Нефтчи"
103. "Насаф" — "Қизилқум"
104. "Сурхон" — "Бухоро"

105. "Металлург" — "Зарафшон"
106. "Трактор" — "Самарқанд"
107. "Сўғдиёна" — "Темирйўлчи"
108. "Гулистон" — "Навбахор"
109. "Пахтакор" — "Кимёгар"
110. "Семурғ" — "Дўстлик"

### XII тур. 13 май (шанба)

111. "Хоразм" — "Нефтчи"
112. "Орол" — "Андижон"
113. "Насаф" — "Бухоро"
114. "Сурхон" — "Қизилқум"
115. "Металлург" — "Самарқанд"
116. "Трактор" — "Зарафшон"
117. "Сўғдиёна" — "Навбахор"



118. "Гулистон" — "Темирйўлчи"
119. "Пахтакор" — "Дўстлик"
120. "Семурғ" — "Кимёгар"

### 17 май (чоршанба). Резерв кун

### XIII тур. 21 май (якшанба)

121. "Дўстлик" — "Орол"
122. "Кимёгар" — "Хоразм"
123. "Навбахор" — "Семурғ"
124. "Темирйўлчи" — "Пахтакор"
125. "Самарқанд" — "Гулистон"
126. "Зарафшон" — "Сўғдиёна"
127. "Бухоро" — "Трактор"
128. "Қизилқум" — "Металлург"
129. "Нефтчи" — "Сурхон"
130. "Андижон" — "Насаф"

### XIV тур. 24 май (чоршанба)

131. "Дўстлик" — "Хоразм"
132. "Кимёгар" — "Орол"
133. "Навбахор" — "Пахтакор"
134. "Темирйўлчи" — "Семурғ"
135. "Самарқанд" — "Сўғдиёна"
136. "Зарафшон" — "Гулистон"
137. "Бухоро" — "Металлург"

138. "Қизилқум" — "Трактор"
139. "Нефтчи" — "Насаф"
140. "Андижон" — "Сурхон"

### XV тур. 1 июнь (пайшанба)

141. "Хоразм" — "Сурхон"
142. "Орол" — "Насаф"
143. "Металлург" — "Андижон"
144. "Трактор" — "Нефтчи"
145. "Сўғдиёна" — "Қизилқум"
146. "Гулистон" — "Бухоро"
147. "Пахтакор" — "Зарафшон"
148. "Семурғ" — "Самарқанд"
149. "Дўстлик" — "Темирйўлчи"
150. "Кимёгар" — "Навбахор"

### XVI тур. 4 июнь (якшанба)

151. "Хоразм" — "Насаф"
152. "Орол" — "Сурхон"
153. "Металлург" — "Нефтчи"
154. "Трактор" — "Андижон"
155. "Сўғдиёна" — "Бухоро"
156. "Гулистон" — "Қизилқум"
157. "Пахтакор" — "Самарқанд"
158. "Семурғ" — "Зарафшон"
159. "Дўстлик" — "Навбахор"
160. "Кимёгар" — "Темирйўлчи"

### 7 июнь (чоршанба) резерв кун

### XVII тур. 11 июнь (якшанба)

161. "Навбахор" — "Орол"
162. "Темирйўлчи" — "Хоразм"
163. "Самарқанд" — "Кимёгар"
164. "Зарафшон" — "Дўстлик"
165. "Бухоро" — "Семурғ"
166. "Қизилқум" — "Пахтакор"
167. "Нефтчи" — "Гулистон"
168. "Андижон" — "Сўғдиёна"
169. "Насаф" — "Трактор"
170. "Сурхон" — "Металлург"

### XVIII тур. 14 июнь (чоршанба)

171. "Навбахор" — "Хоразм"
172. "Темирйўлчи" — "Орол"
173. "Самарқанд" — "Дўстлик"
174. "Зарафшон" — "Кимёгар"
175. "Бухоро" — "Пахтакор"
176. "Қизилқум" — "Семурғ"
177. "Нефтчи" — "Сўғдиёна"
178. "Андижон" — "Гулистон"
179. "Насаф" — "Металлург"
180. "Сурхон" — "Трактор"

### 18 июнь (якшанба) Ўзбекистон

### Кубок 1/2 финал.

### Жавоб ўйинлари

### XIX тур. 22 июнь (пайшанба)

181. "Трактор" — "Металлург"
182. "Гулистон" — "Сўғдиёна"
183. "Семурғ" — "Пахтакор"
184. "Кимёгар" — "Дўстлик"
185. "Темирйўлчи" — "Навбахор"
186. "Зарафшон" — "Самарқанд"
187. "Қизилқум" — "Бухоро"
188. "Андижон" — "Нефтчи"
189. "Сурхон" — "Насаф"
190. "Орол" — "Хоразм"

## Ёшлар мусобақаси

Фарғонадаги Юсуфжон қизик Шакаржонов номли вилоят театри биносидан 1982-1983 йилларда туғилган ўсмир ёшлар ўртасида бокс бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари бошланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган ёш боксчилар ўз маҳоратларини намойиш этмоқда. Мусобақада англиялик ёшлар ҳам иштирок этаётгани турнирнинг маъқайдан ва қизгин курашларга бой бўлишидан дарак бермоқда.

Бир ҳафта давом этадиган ушбу беллашув иштирокчилари 13 вазн тоифасида ўз кучларини синаб кўрадилар.

## Хотира турнири

Фарғонада оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Виктор Мосибит хотирасига бағишланган халқаро турнир ниҳоясига етди. Унда Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистондан етмишдан ортиқ спортчи иштирок этди.

Қизгин ўтган беллашуларда ўз вазн тоифаси бўйича андижонлик М.Идрисов ва О.Шоҳимардонов, қирғизистонлик М.Мамадалиев, Ў.Икромов, фарғоналик Б.Тошпўлатов, қўқонлик О.Ҳайдаров, Р.Ўрмоновнинг қўли баланд келди.

Қизлар баҳсида фарғоналик С.Пирматова, А.Саидова ҳамда андижонлик А.Николаева ўз вазн тоифаларида кучли эканликларини амалда намойиш этдилар. Фахрийлар ўртасидаги баҳсда тошкентлик Г.Овеклов, чирчилик А.Дилмуродов, андижонлик Х.Қодиров ва наманганлик М.Шойбеков голиблик шохсупасига кўтарилди.

## Коллежнинг дастлабки қалдирғочлари

Узун туманидаги агро-бизнес коллежининг фермер хўжаликлари ишини ташкил этиш бўлимини 29 нафар йигит муваффақиятли битириб, ҳаётга йўланма олди.

Аввалги қишлоқ хўжалиги техникуми базасида ташкил этилган мазкур коллежда 530 нафар йигит-қиз билим олмақда. Агроном, техник-механик, ташкилотчи технолог, бухгалтерия ҳисоб-китоби каби мухтаassisликларни эгалламоқчи бўлган ёшларнинг пухта билим олишлари учун коллежда мустаҳкам ўқув базаси мавжуд.

(ЎЗА)

ЎЗА

**СИДНЕЙ.** Австралияга ташриф буюрган БМТ Бош котиби Кофи Аннан Бош вазир Жон Говард билан учрашиб, расмий Канберранинг Шарқий Тиморда тинчликни қарор топтириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади. Австралия ҳукуматининг кўмаги билан БМТ ушбу муаммони бартараф этишга муваффақ бўлди, деди Бош котиб матбуот анжуманида. Жумладан, Шарқий Тиморга киритилган халқаро тинчликни сақлаш кучларининг асосий қисми Австралия ҳарбийлари эди, улар барча тадбирларда фаол иштирок этди.

**ВИНДХУК.** Гвинея-Бисауда иккинчи бор президентлик курсисига ўтирган



Кумба Йала ўтган куни 24 кишидан иборат вазирлар маҳкамаси таркибини эълон қилди. Бош вазир лавозимини Гаэтано Нчама эгаллади. К.Йала ўтган йилнинг ноябрида кўппартиявийлик асосида бўлиб ўтган президент сайловида голиб чиққан эди.

**РИМ.** Италия вазирлар кенгаши раиси Массимо д'Алеманинг Яқин Шарқ минтақаси мамлакатларига сафари бошланди. У ташриф доирасида Иордания ҳамда Сурияда бўлиб, мазкур мамлакат раҳбарлари билан музокара ўтказди. Учрашуларда давлатлар ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, минтақада тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

**ПЕКИН.** Ўтган йили Хитойда 83,5 минг киши транспорт ҳалокати туфайли нобуд бўлди. 286 минг киши жароҳатланди. Мамлакат жамоат хавфсизлиги хизмати маълумотига қараганда, 1999 йилда жами 413 мингга яқин транспорт ҳалокати юз берган ва бу 1998 йилдаги кўрсаткичга қараганда 20 фоиз кўп. Мамлакат иқтисодий бундай ҳодисалардан 250 миллион АҚШ доллари миқдоридан зарар кўрган.

**БРЮССЕЛ.** НАТО ҳамда Фарбий Европа Иттифоқи ҳамкорлигида ўтказилган биринчи ҳарбий машқлар якунланди. Ҳарбийлар бир неча кун давомида ҳамкорликда инсонпарварлик операцияларини ўтказиш тадбирларини машқ қилди.

**ПЕКИН.** Хитой полициячилари мамлакатнинг жануби-ғарбида жойлашган Юньнань вилоятида тўрт нафар йўловчиси бўлган кичик автобусни тўхтатиб, текширув ўтказаятганда, йўловчиларда икки килограмм героин борлигини аниқлади. Шубҳали йўловчилар "Мукан" назорат-текширув масканида тўхтатилганди. Жиноятчилар героинни майда идишларга солиб, ичига ютиб юборган экан. Синхуа ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, жорий йил бошидан буён "Мукан" назорат-текширув масканида жами 20 нафар контрабандачи қўлга олинган. Улардан олиб қўйилган героин вази 25 килограммга етди.

**РАБОТ.** Суданнинг Қизил денгиз соҳилларига туташ туманларида эркин савдо зонаси очилди. Унинг майдони 26 квадрат километрга тенг. Кейинчалик мазкур зона майдони 600 квадрат километргача етказилади.

Эркин иқтисодий зона очилишига бағишланган маросимда иштирок этган президент Иброҳим Аҳмад Умарнинг таъкидлашича, у тараққиётга катта туртки бўлади. Айти пайтда бу ҳудудда 200дан зиёд маҳаллий ва хорижий ширкатлар фаолият кўрсатмоқда.

**МОСКВА.** Январь ойида Россияда ишсизлар сони ўтган йилнинг декабрь ойидагига нисбатан 0,3 фоиз

ошди. Айти пайтда бекор юрганлар сони 9,124 миллионга етган. Бу рақам мамлакатдаги ишга яроқли аҳолининг 12,3 фоизига тенг.

**ВАШИНГТОН.**

АҚШ давлат департаменти расмий вакили Жеймс Рубин ўз ҳукуматининг Эронда бўлиб ўтган парламент сайловига муносабатини баён этиб, бу тадбир Эроннинг эркинлик ва ошқораликка интилаётганини кўрсатишини таъкидлади. Эрон сайловчилари овоз бера туриб, ислохотларга хайрихоҳ парламент шакллантиришни истаётгани намоён бўлди, деди у.

**ИСРОИЛ** Бош вазири Эхуд Барак май ойида Фаластин билан асосий масалалар бўйича келишувга эришилишига, октябрь ойигача эса бу борадаги ҳужжатлар имзоланишига умид билдирди. У парламент вакиллари олдида сўзлаган нутқида музокараларда юзага келаётган барча келишмовчиликлар учун Фаластин томонини айблади.

**ТОКИО.** Вашингтонда АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт билан Япония ташқи ишлар вазири Иохэй Коно ўртасида бошланган музокара пул масаласи туфайли келиб чиққан ва охиригача ечилмаган баҳс билан ниҳоясига етди. М.Олбрайт япон ҳамкасбидан Япониядаги АҚШ ҳарбий базаларини сақлаб туриш учун харажат миқдорини ўзгартирмасликни сўради. И.Коно эса бу мақсад учун Япония томонидан ажратилаётган маблағни қайта кўриб чиқишни талаб қилди. Унинг таъкидлашича, Япония молиявий қийинчиликлар кўпайган ҳозирги шароитда АҚШ ҳарбий базаларининг харажати фақат ўзи қоплашни истамайди.

**ПЕКИН.** Хитой жорий йилда контрабандага қарши курашни кучайтиришни режалаштирмоқда. Хитой давлат кенгаши раиси Чжу Жунцзи мамлакат божхоначилари билан учрашиб, шу ҳақдаги фикрларини баён этди. Унинг таъкидлашича, кўзда тутилаётган тадбирлардан бири контрабандага аралашган ҳар қандай божхоначи учун жиноятчиларга қўлланадиган даражада қаттиқ жазо жорий қилишдир.

(ЎЗА)

## АТИРГУЛ ҲИДЛАНГ, ҚЎРҚМАЙСИЗ

Тиш докторидан кўрқадиган бўлсангиз, гул ҳидланг. Франциянинг Бордо шаҳридаги университет шифокори Жан Легруанинг тадқиқотида кўра, агар сиз тиш докторига боришдан хайқсангиз, ташриф олдингиздан атиргул, ҳеч бўлмаса ромашкани туйиб ҳидлаб олсангиз, сиздаги кўрқув тарқаб кетади.

Чунки гулнинг ҳиди инсон миёсида кўрқув ҳолатини вужудга келтирадиган амиғдали ишлаб чиқарилишини камайтирадиган фитоморфин ажралишини таъминлар экан.

## ОСМОНДАН... СПИРТ ЁҒАДИ

Парижлик астрономлар кашф этган янгилик ҳар бир арокхўрни ширин орзулар оғушига олиши мумкин. Олимлар Акила юлдузлар туркумида тоза спирт томчиларидан иборат булутлар борлигини аниқлади. У ерда бундай модда шунчалар кўп эдики, у 400 триллион шиша ароқ тайёрлашга етаркан.

Спирт булутлари Қуёш тизими сайёралари томон шаҳдам бостириб келяпти. Келажақда у бутунлай Ер шарини қоплаши мумкин.

Бу ҳодиса қачон содир бўлар экан, деб йил санаб овора бўлманг. Ароққоб спирт ёмғири ёғиши учун 10 минг ёруғлик йили керак.

## ДУМИНГИЗ ҚАНЧА?

Йигирма икки йил муқаддам москвалик Наталья Турчина дунёга келганида онаси чақалоқни қўлга олиб, даҳшатдан қичқириб юборган эди. Чунки чақалоқнинг орқа томонида кичкинагина думча қимирлаб турарди. Йиллар ўтди, шифокорлар атавизм деб атайдиган қизнинг бу аъзоси ўсаверди. Қизча уни ҳар қанча яширмасин, жарроҳлар думчани бир неча марта кесиб ташлашмасин, барибир у ўсиб чиқаяпти.

Наталья бошқа шаҳарларда ҳам ўзи каби галати аъзо билан дунёга келган одамлардан 18 нафарини топди. Ҳозир хат ёзишиб туришибди.

Қизнинг атавизми борлигидан хабар топган сураткашлар, режиссёрлар уни тасвирга туширишмоқчи. Агар қиз бунга розилик билдирса, катта ҳажмда пул беришга ҳам тайёр. Хатто мурмансклик бир йигит Натальяга уйланмоқчи. Шу қунларда Наташа краснодарлик энг узун ўн саккиз сантиметр атавизми бор аёлнинг мөҳмон бўлиб келишини кутаяпти. Бу аёл агар хоҳласа думини ликклатиши ҳам мумкин экан.

### Муассис:


ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир  
Абдуқодир НИЁЗОВ  
Навбатчи муҳаррир  
Лола СОАТОВА



### Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61  
Қабулхона — 136-59-38  
Хатлар бўлими — 133-79-69



### Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй  
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.